

**Рўйхатдан ўтказиш рақами: 700**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
“Асака” Банки Акциядорлар умумий  
йиғилишининг 2017 йил “21” июндаги  
01-сон баённомаси билан.

**“АСАКА” БАНКИ  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

## МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>
II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРНИ АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАБ ЁЗИШ ТАРТИБИ .....	5
III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ .....	6
IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК .....	8
V. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ .....	9
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	9

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур “Асака” банки дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низоми (қуйида матн бўйича – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига, “Асака” банки (қуйида матн бўйича – “Банк”) Уставига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда Банк дивиденд сиёсатида ақс эттирилиши ва ёритилиши керак бўлган умумий масалалар келтирилади.

2. Банк дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини ошириш ва Банк капиталлаштирилиши ўсишини таъминлашга қаратилган. Низом мақсади акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни Банк дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор қилишдан иборат.

Мазкур Низом Банк Кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишга ва уларни тўлаш тартибига ёндашувини белгилаш учун мўлжалланган.

Агар Банк акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ бирор-бир масала Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Банк Устави ва мазкур Низом билан ҳал қилинмаса, улар акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш заруратига асосланиб ҳал қилиниши керак.

3. Банк капиталлаштириш ўсишини Банк акцияларидан даромадлар олиш бўйича акциядорлар мулкӣ манфаатларини қондиришнинг асосий усули сифатида баҳолайди. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Банк томонидан олинган фойданинг ишлатиладиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги нисбатларни оптималлаштиришдан иборат.

4. Банк дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- шаффофлик (ошкорлик) тамойили – дивиденд сиёсатини амалга оширишда қатнашаётган Томонлар мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан дивидендлар тўлаш ва уларнинг миқдори тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартларини белгилаш ва ошкор қилиш назарда тутилади;

- ўз вақтида тамойили дивиденд тўловларини амалга оширишда вақт чегараларини белгилашни назарда тутати;

- асосланганлик тамойили дейилганда, дивидендлар тўлаш ва уларнинг миқдори тўғрисидаги қарор, Банкнинг ҳақиқий молиявий аҳволига асосланиб ривожланиш режалари ва унинг инвестиция дастурлари ҳисобга олинган ҳолда, Банк томонидан ижобий молиявий натижага эришилган ҳолатдагина қабул қилиниши мумкинлиги назарда тутилади;

- адолатлилиқ тамойили акциядорларнинг дивидендлар тўлови, миқдори ва тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар бўйича ахборот олиш учун тенг ҳуқуқлари таъминланишини назарда тутати. ;

- изчиллик тамойили дивиденд сиёсатининг тартиботлари ва тамойиллари қатъий ижро этилишини назарда тутати;

- ривожланиш тамойили корпоратив бошқарув тартиботларини яхшилаш доирасида дивиденд сиёсати доимий такомиллашишини ва Банкнинг стратегик мақсадлари ўзгариши туфайли унинг қоидалари қайта кўриб чиқилишини назарда тутади;

- барқарорлик тамойили Банкнинг дивиденд тўловлари барқарор даражасини таъминлашга интилишини назарда тутади.

5. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) Банк ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6. Эълон қилинган дивидендлар тўлови Банк мажбурияти ҳисобланади.

Дивидендлар тўлови билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқлар ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш, дивидендларни ўтказиш бўйича харажатлар, почта харажатлари) бошқарув органлари қарори бўйича дивидендлар олаётган акциядорга юклатилиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Банк акциядорлар олдида ушбу мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлади.

7. Дивидендлар қуйидаги акциялар бўйича ҳисоблаб ёзилмайди ва тўланмайди:

- жойлаштирилмаган акциялар;

- Банкнинг ўзи томонидан харид қилинган ва/ёки пул тўлаб қайтариб олинган акциялар;

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 54-моддаси биринчи қисми билан назарда тутилган ҳолатларда Банк акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва дивидендлар тўлаш ҳуқуқига эга эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАБ ЁЗИШ ТАРТИБИ**

9. Банк молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари ва (ёки) молия йили натижалари бўйича мазкур Низомнинг 8-бандида қайд этилгандан ташқари акциялар бўйича дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) ҳуқуқига эга.

Молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор тааллуқли давр тугагандан сўнг уч ой мобайнида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар Банк ихтиёрида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

10. Банк Акциядорлари умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Банк Кенгаши Акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича таклифларни тақдим қилади. Дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан таклиф қилинган миқдордан юқори бўлиши мумкин эмас.

11. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендларни тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарори билан қуйидагилар белгиланиши керак:

- дивиденднинг муайян турдаги битта акцияга ҳисоб-китобдаги миқдори;

- дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда, Банк қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолатларда, шунингдек қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда акциялар бўйича дивидендларни тўлик

тўлаш имконияти бўлмаган ҳолатларда, дивидендларни ҳисоблаб ёзиш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этиладиган акциялар бўйича дивидендлар миқдори Банк Кенгаши томонидан қуйидаги омилларга асосланиб белгиланади:

- соф фойда миқдори аудиторлик хулосаси билан шубҳасиз тўғрилиги тасдиқланган молия ҳисоботи маълумотлари асосида;

- Банкнинг келгуси даврлар учун бизнес-режалари;

- тааллуқли давр охирига келиб Банк активлари тузилишлари;

- тааллуқли давр охирига келиб Банкнинг қарз юкланишлари.

13. Тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини белгилашда Банк Кенгаши Банкнинг олдинги даврлар учун молия-хўжалик режаларини, Банк оборот маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболдаги ҳолатини ҳисобга олиши керак. Банк Кенгаши томонидан Банк Акциядорлари умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар тўлови Банк томонидан келгуси даврлар учун тасдиқланган бизнес-режа билан назарда тутилмаган қўшимча қарз маблағ билан таъминлаш ёки бошқа харажатларга жалб қилинишига олиб келмаслиги керак.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

14. Банк дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади ёки акциядор – Ўзбекистон Республикаси норезидентининг ёзма талаби бўйича маблағлар акциядор-норезидент томонидан тақдим қилинган банк ҳисобварағига ўтказилган ҳолда Банк акциядорга ҳисоблаб ёзилган дивидендларни эркин конвертацияланадиган валютага конверсияланишини амалга ошириши шарт.

15. Дивидендларни тўлаш муддати Банк Акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан оширилмаслиги керак.

16. Банкнинг қимматли қоғозлари эгалари ҳисоблаб ёзилган дивидендларни Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда олиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, Банк бундай (йўқлаб олинмаган) дивидендлар тўловини давом эттиради. Йўқлаб олинмаган дивидендлар тўлов даври Банк томонидан эълон қилинган дивидендлар тўлови бўйича мажбуриятлар ижро муддати тугаган санадан эътиборан уч йилдан кўпроқ муддатни ташкил этиши мумкин эмас.

17. Дивидендлар Банк айби билан Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасига асосланган ҳолда, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеня ҳисоблаб ёзилади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисоблаб ёзиладиган пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслиги керак.

18. Банкнинг ўз функциялари қаторида акциядорлар билан ишларни ташкиллаштириш ва юритиш ваколатига эга таркибий бўлинмаси Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назорат департаменти билан биргаликда мазкур Низом билан назарда тутилган Банк томонидан дивидендлар тўловини ташкиллаштириш бўйича барча чоратadbирларнинг тайёргарлиги, ўзаро мувофиқлаштирилиши ва ўтказилишини амалга оширади.

19. Ҳар бир акциядор Банкка акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивидендлар ҳисоблаб ёзилиши ва солиқ солинадиган сумма тартиби, тўловлар

шартлари тўғрисида ахборот тақдим қилиниши учун расмий талабнома билан мурожаат қилишга ҳақли.

20. Акциядорларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун тузилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади.

21. Акциядор ўз маълумотлари ўзгаришлари тўғрисида унинг акциялари учун ҳуқуқларни ҳисобга қўйиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Марказий қимматли қоғозлар депозитариясини ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор томонидан ўз маълумотлари ўзгаришлари тўғрисида ахборот тақдим қилинмаган тақдирда, унинг акциялари учун ҳуқуқларни ҳисобга қўйиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитария ва/ёки инвестиция воситачиси бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди.

22. Акциядор ўз банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган ёхуд қайд этилган реквизитлар тўғрисида Банкка хабар бермаган ёки улар тўғрисида ўз вақтида хабар бермаган тақдирда, Банк бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. Мазкур бандда қайд этилган сабабларга кўра акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Банкка қайтарилгандан сўнг уларнинг акциядорга аниқланган реквизитлар бўйича такроран ўтказмаси уларнинг қайтарилиши ва такрорий ўтказмаси учун харажатлар чегириб қолинган ҳолда амалга оширилади.

23. Банк акциядорларга тегишли акциялари бўйича даромадлар тўловида солиқ агенти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган қимматли қоғозлар бўйича даромад солиқлари чегириб қолинган ҳолда ҳисоблаб ёзилган дивидендлар тўловини амалга оширади. Стандарт солиқ солиш ставкалари қўлланилмайдиган акциядор Банкка Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилади.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

24. Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

25. Дивидендлар тўловида ҳеч бир акциядор тўлов муддатлари бўйича устунликларга эга бўлмайди.

Банк томонидан оддий акциялар бўйича ҳисоблаб ёзилган дивидендлар тўлови акциядорларнинг дивидендларни олиш учун тенг ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Бунда Банк йирик акциядорга дивидендларни тўлаш натижасида миноритар акциядорларга белгиланган муддатларда дивидендлар тўлови таъминланмаса, йирик акциядорга дивидендларни тўлашга ҳақли эмас.

26. Банк Бошқаруви Банк акциядорларига дивидендлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгар бўлади. Банк Бошқаруви ҳаракатлари устидан назорат Банк Тафтиш комиссияси билан биргаликда Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

27. Банк Кенгаши ҳисоблаб ёзилган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида ўз мажлисларида дивидендларни тўлаш жараёни тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Банк Бошқаруви айби билан дивидендлар тўлиқ ёхуд ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Банк Кенгаши айбдор шахсларга жавобгарлик чораларини белгилайди ва тааллуқли жарималар солади ёхуд жарималар солинишини тақлиф қилади.

28. Банк томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, акциядорлар акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўловини суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

29. Дивидендлардан солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича Банкка юклатилган солиқ агенти вазифалари бажарилмаганлиги ёки тегишлича

бажарилмаганлиги учун Банк Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

## **V. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

30. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк томонидан унинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтида Банк бошқарув органининг тааллуқли қарор қабул қилинган мажлиси баённомаси имзолангандан сўнг ўн кун мобайнида ошкор қилинади.

31. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда Банк ушбу ахборотни қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда жиддий маълумотлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қилади. Бунда, Банк томонидан акциядорларга дивидендлар ҳисоблаб ёзилганлиги тўғрисида электрон почта орқали билдириш хати юборилади.

32. Банк томонидан дивидендларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятлари бажарилганлиги ҳолати бўйича Банк тааллуқли ахборотни қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда жиддий маълумотлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қилади.

## **VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

33. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

34. Мазкур Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк Кенгаши, Банк Тафтиш комиссияси, Банк ички аудит хизмати аъзолари, Банк Бошқарув Раиси таклифи бўйича киритилади.

35. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Банк Уставига зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича мазкур Низомга тааллуқли ўзгартиришлар киритилган пайтгача Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Банк Устави меъёрларига амал қилиниши керак.

36. Мазкур Сиёсат қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан Банк Кенгашининг 2016 йил 04 августдаги 17-сон Баённомаси билан тасдиқланган ““Асака” банки дивиденд сиёсати” ўз кучини йўқотади.

**Бошқарув Раиси**

**А.И. Ахмедхаджаев**

**Бошқарув аъзолари:**

**Р.К. Касимов** \_\_\_\_\_

**О.К. Норинбаев** \_\_\_\_\_

**З.А. Галинова** \_\_\_\_\_

**М.Ш. Пулатова** \_\_\_\_\_

**Киритилди:**

**Казначейлик департаменти бошлиғи:**

**И.Х. Исканов** \_\_\_\_\_

**Иқтисодий таҳлил, стратегик ривожланиш ва методологик ишларни ўзаро мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи:**

**А.Б. Бахрамов** \_\_\_\_\_

**Ички аудит хизмати бошлиғи:**

**А.А. Кариев** \_\_\_\_\_